



## ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛИЙ БАҲОЛАШ

**Хидирова Барчиной Илхомовна**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Менежмент ва маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси. Тошкент, Ўзбекистон.*  
[barchinoyxidirova@gmail.com](mailto:barchinoyxidirova@gmail.com)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i38](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i38)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудларини рақамли ривожлантириш даражаси ва уларни таҳлилий баҳолаш келтирилган. Жумладан мақолада рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижаларига кўра ҳудудларнинг таҳлилий кўрсаткичлари баён этилган. Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Навоий вилоятларининг рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижалари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, рейтингли баҳолаш, ривожланиш даражаси, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон давлат хизматлари, дастурий маҳсулотлар, электрон ҳукумат, ахборот тизими, миллий домен, рақамли инфратузилма, рақамли таълим.

### **УРОВЕНЬ ЦИФРОВОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА И ИХ АНАЛИТИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА**

**Хидировой Барчиной Ильхомовной**

*Старший преподаватель кафедры менеджмента и маркетинга Ташкентского государственного экономического университета. Ташкент, Узбекистан.*

### **Аннотация**

в данной статье представлен уровень цифрового развития регионов Узбекистана и их аналитическая оценка. В частности, в статье описываются аналитические показатели регионов, основанные на результатах рейтинговой оценки уровня цифрового развития. В статье рассматриваются результаты рейтинговой оценки уровня цифрового развития Республики Каракалпакстан, Джизакской и Навоийской областей.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, рейтинговая оценка, уровень развития, информационно-коммуникационные технологии, электронные государственные услуги, программные продукты, электронное правительство, информационная система, национальное достояние, цифровая инфраструктура, цифровое образование.

### **THE LEVEL OF DIGITAL DEVELOPMENT OF THE REGIONS OF UZBEKISTAN AND THEIR ANALYTICAL ASSESSMENT**

**Khidirova Barchinoy Ilkhomovna**

*Tashkent State University of Economics Senior Lecturer, Department of management and marketing. Tashkent, Uzbekistan.*

### **Abstract**

this article presents the level of digital development of the regions of Uzbekistan and their analytical assessment. In particular, the article describes the analytical indicators of the regions based on the results of a rating assessment of the level of digital development. The article examines the results of a rating assessment of the level of digital development of the Republic of Karakalpakstan, Jizzakh and Navoi regions.

**Keywords:** digital economy, rating assessment, level of development, information and communication technologies, e-government services, software products, e-government, information system, national heritage, digital infrastructure, digital education.

### **Кириш**

Ҳозирги ахборот асрида, ҳар қандай давлатнинг барча соҳаларида рақамли технологиялар муҳим ўрин эгаллаган бир даврда, жамият янада барқарор ривожланиши ва тараққиётга эришиши учун рақамли билим ва ахборот технологияларига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, дунёнинг кўпгина давлатларида, айниқса ривожланган ва юқори даражада ривожланаётган мамлакатларида рақамли иқтисодиёт анчагина тез суръатларда ўсиб бормоқда, лекин унинг тушунчаси ва миқдорий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар зиддиятли ва чекланган бўлиб қолмоқда. Эндиликда фақатгина рақамли даврнинг келиб чиқишини аниқ тушунишнинг ўзигина етарли бўлмайди, унинг келажак истиқболларини башорат қилиш ҳам муҳим ҳисобланади, чунки муайян тармоқ бўйича кишилар билимига тегишли маълумотларнинг кўпайиши ҳар 2-3 йилда икки баробар (ахборот бозори соҳасида 0,5-1 йил)га ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт(РИ)нинг замонавий ривожланиш босқичи унинг шаклланиш даври ва ривожланишининг юқори динамикаси билан характерланади. Бу даврнинг ривожланиши бир томондан, келажакда ноаниқ ҳолатлар, иккинчи бир томондан, ривожланишнинг юқори динамикаси билан максимал даражада уйғунликда бўлиши билан характерлидир. Шаклланиш босқичининг иккинчи характерли хусусияти шуки, эски тузилмалар (институтлар, муносабатлар, агентлар)нинг янгиланиб ёки йўқолиб бориши тенденцияси ва шу билан бир вақтда замонавий тузилмалар шаклланишининг уйғун ҳолда бўлиши хосдир. Ҳозирги глобал бутунжаҳон тенденцияларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон учун АКТдан жамиятнинг барча соҳаларида жадал фойдаланиш, шунингдек, рақамли технологияларнинг умумий ривожини инновациялар ҳамда жаҳон иқтисодиётига жадал суръатларда кириши ва интеграциялашувининг ҳаракатлантирувчи кучига айлантиради. Бунинг учун Республикада жадал суръатларда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, лекин дастлабки илмий асос ва илмий тадқиқотларсиз бу жараёнларда юқори самарадорликка эришиб бўлмайди

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Reddy va Reinartz фикрига кўра, ҳудудларни рақамлаштириш иккита таърифга эга ва улардан бири анъанавий маънога нисбатан самарали иқтисодий қиймат яратиш учун интернет ва компьютердан фойдаланишдир. Кенгроқ маънода ҳудудлардаги янги технологиянинг ишлаши, ўзаро таъсири, конфигурацияси, ҳудудларда бойлик яратишдаги ўзгаришларни ифодалайди деб кўрсатган[1].

Samara E., Andronikidis A., Komninos N. “Ахборот-коммуникация техноло-гиялари соҳасининг мисли кўрилмаган ривожланиши жамиятдаги ажойиб ўзгаришларни ва бутун дунё бўйлаб бандлик тенденцияларини тезлаштиради. Инновацион тизимларда АКТнинг жорий этилиши ҳудудлар иқтисодиёти ва миллий иқтисодиётнинг умумий рақобатбардошлигининг асосий омили бўлиб хизмат қилади” яъни ҳудудларни рақамли иқтисодиётга ўтказиш аввало АКТ ўрни катталиги ва рақобатнинг кучайиши орқали амалга оширилади деб ҳисоблайди[2].

С.Пиянкова, М.Троянкаялар “Мамлакатларни рақамлаштиришни олтита асосий хусусият билан ўлчаш мумкинлигини яъни: шароит, қулайлик, ишончлилик, тезлик, имкониятлар ва кўникмаларга бўлиб таҳлил қилишни таклиф этган[3].

А.А. Курилова, Д.Антиповлар ҳаммуаллифлигидаги “Ҳудудларнинг рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнининг методологияси” номли асарида “Янги рақамли технологиялар турли мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётига жадал кириб боради,

бу унинг инфратузилмаси ва иқтисодий самарадорлигини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ҳудудларжа янги самарали бошқарув технологиялари, тадбиркорлик амалиёти ва муваффақиятли бизнеснинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг зарурий шартига айланади”[4] деб келтириб ўтган.

А.Ж. Сиддиқов ҳудудларни рақамли ривожлантириш асоси сифатида “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш вазифаси миллий статистика доирасида ҳам бир қанча муҳим ишларнинг бажарилишини, хусусан, миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини рақамлаштиришга оид индикаторлар тизими ишлаб чиқиши, мазкур тизим учун маълумотлар базаси шакллантирилиши, махсус кузатувлар, сўровномалар, ҳисобот шакллари ишлаб чиқишини тақозо этади”[5] дея таъкидлайди

О.С. Умаров ўз изланишларида ҳудудларда рақамли иқтисодиётни кириб келиши иқтисодиётнинг ривожланиши халқаро бизнеснинг ички ва ташқи муҳитига таъсир кўрсатиши мумкинлиги, шу билан бирга мамлакатда технологик ўзгаришларни олиб кириши борасида ўз қарашларини ифодалаган[6].

Ўтқазилган тадқиқотлар натижамида айтиш мумкинки ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши бевосита рақамли восита ва технологияларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Интернетнинг тез суръатларда ривожланиши, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашда, аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилишда асосий ёрдамчи кучга айланмоқда. Шунинг учун рақамлаштириш жараёнларини янада чуқурроқ олиб бориш мамлакат ҳудудларининг ривожланиш гаровидир деб ҳисоблаймиз[7].

#### **Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқот ишимизда аналитик таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Таҳлиллар ҳудудларда рақамли иқтисодиётнинг истиқболлари, ҳудудларнинг рақамлаштириш кўрсаткичларининг ҳозирги ҳолати аналитик усуллардан фойдаланиб таҳлил қилинди. Маълумотлар асосида ҳудудларни рақамлаштиришнинг назарий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди. Тадқиқот объекти сифатида республикамиз ҳудудларининг рақамлаштириш кўрсаткичлари мисол қилиб олинди. Мавзунинг ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳаси республикамизнинг ривожланишида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан юртимизда ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш борасида олиб борган сиёсати ҳозирги кунга келиб ўз натижаларини кўрсатмоқда. 2019 йилда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасининг асосий кўрсаткичлари иқтисодий рақамларга назар ташланадиган бўлса, натижаларни ижобий деб баҳоласа бўлади. АКТ соҳасида кўрсатилган жами хизматлар ҳажми 10,6 триллион сўмгача етиб, 104 фоиз ўсишини кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари эса 176 миллион долларгача, яъни 130 фоизгача ўсди. Компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми 2019 йил натижалари бўйича 119 фоизгача ўсди ва 1,078 миллиард сўмни ташкил этди. Дастурий маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 15,8 миллион долларгача ошди ва 158 фоиз ўсиш динамикасини кўрсатди. Ахборот ва алоқа соҳасида иш ҳақи ўсиш динамикаси ҳам 119 фоизни кўрсатди[8].

Ҳозирги кунда мазкур соҳада ўртача маош 4 миллион сўмни ташкил этади. АКТ соҳасида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони йилдан-йилга ошиб


боряпти, 2019 йил натижалари бўйича уларнинг сони 269 ни ташкил этди ва 73 тага кўпайди. 2019 йилда Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича Вазирлик томонидан жами 9 та лойиҳа 177,5 миллион долларга тенг ҳажмида амалга оширилиб, 102 фоизга ўсди. Жумладан: тўғридан-тўғри хорижий инвестиция асосида — 97,14 миллион долларга тенг лойиҳалар (режада — 94,5 миллион долларга тенг, ўсиш динамикаси — 103 фоиз); ҳукумат кафолати остида хорижий кредитлар — 53,38 миллион долларга тенг лойиҳалар (режада — 43,56 миллион долларга тенг, ўсиш динамикаси — 123 фоиз); корхоналарнинг ўз маблағлари — 26,93 миллион долларга тенг лойиҳалар (режада — 35,96 миллион долларга тенг, бажариш кўрсаткичи — 75 фоизни ташкил этди)[8].

2019 йилда АКТ соҳасида яна бир қатор муҳим йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилди. Жумладан интернет тармоғининг миллий сегменти “UZ” доменида рўйхатдан ўтган веб-сайтларни ташкил этиш орқали истеъмолчиларга қулай хизматлар кўрсатиш, ёшларнинг онлайн тарзда билим олишлари ва аҳолига электрон савдо тизимлари орқали хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Онлайн-тўлов тизимидаги ишлар ҳам яхши кўрсаткичлар билан якунланди, яъни 2019 йилда онлайн-тўлов тизимлари орқали 299,3 миллион транзакциялар амалга оширилди ва жами 6,5 триллион сўмни ташкил этди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контактсиз алоқа шакллари янада ривожлантириш мақсадида ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги версияси ишлаб чиқилди. Тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эл инвесторлари мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммоли масалаларини ҳал этиш мақсадида Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси “business.gov.uz” портали ишга туширилди.

Бугунги кунда ушбу портал орқали 34,7 мингта мурожаат келиб тушиб, шулардан 33,6 мингтаси кўриб чиқилган. Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш ягона интерактив портали фаолияти натижаларига кўра, ўтган йили жами 34,7 мингта мурожаат тушган бўлса, улардан 33,6 мингтаси кўриб чиқилди. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (“saylov.gov.uz”) жорий қилинди. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 20,5 млн. дан ортиқ фуқаролардан иборат сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиб, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими билан интеграция қилинди. Ҳозирда Хитойнинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда 1 босқичда Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг ягона технологик платформасини яратиш ишлари амалга оширилмоқда[9].

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон шаклда амалга ошириш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши — бу рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Электрон давлат хизматларини аҳоли ва тадбиркорлик субъекларига тақдим этиб бориш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу портал орқали 218 та электрон давлат хизматлари тақдим этиб келинмоқда, жумладан 2020 йил давомида 45 та янги хизмат жорий этилди. Хусусан, уй-жой ва коммунал хизматлар учун онлайн тўловни амалга ошириш, шифокор қабулига электрон тарзда ёзилиш, фуқароларни доимий ва вақтинча рўйхатга олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ипотека кредитлари бўйича давлат субсидиясини олиш хизматлари ва бошқа бир қатор хизматлар электрон шаклга ўтказилди ва портал орқали ишга туширилди. Электрон давлат хизматлари бўйича йил бошидан бери 3,1 миллиондан ортиқ аризалар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоизга ошди[8].

Халқаро маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти ҳақида кўрсаткичлар қуйидаги 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Халқаро маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти (Гбит/с) [8]**

Ахборот-коммуникация технологияларининг изчил ривожланишининг яна бир муҳим омилларидан бири соҳада рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рағбатлантиришдир. Айнан мана шу мақсадни кўзлаб барпо этилган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Park) нинг резидентлари ҳисобланган 416 ташкилотда бугун беш минг нафардан ортиқ мутахассис фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ушбу ташкилотларнинг 14 таси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган бўлса, 54 таси янги очилган. Тошкент шаҳрида IT-Park резидентлари сонини кўпайтириш ва етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида умумий майдони 408 минг кв. м.га тенг ҳудудда хориждан жалб қилинган эксперт билан ҳамкорликда IT-Park инфратузилмаси объектларини қуриш концепцияси ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. IT-Park нинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан қўшма қарорлар имзоланиб, ҳар бир лойиҳа бўйича бажариладиган вазифалар тармоқ жадваллари тасдиқланди. IT-Park нинг ҳудудий филиаллари бинолари Андижон, Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида фойдаланишга топширилди, Андижон филиалида 10 та ва Марғилон филиалида 7 та резидент фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги[11] Қонуни 15-моддасида Миллий ахборот тизимига давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари киради. Миллий ахборот тизими унинг таркибига кирувчи ахборот тизимларининг халқаро ахборот тизимлари билан бир-бирига мослигини ҳисобга олган ҳолда яратилади. Ҳозирги даврда фан ва техникада кўп қулланиладиган тушунчалардан бири – тизимдир. Ахборот тизимини ишлаб чиқишдан мақсад – ташкилий лойиҳалаштириш, технологик ва ҳоказо жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тизим фаолиятининг самарадорлигини оширишдир. Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда,

миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, миллий ахборот тизимига давлат органлари, шунингдек, юридик ҳамда жисмоний шахслар, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари киради. Ахборот тизими эса ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир. Ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси ахборот ресурсларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” [11] ги Қонуни 19-моддасида кўрсатилганидек, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш авваламбор, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Мазкур қонуннинг 20-моддасида: “Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт”, деб алоҳида кўрсатилган. Умумжаҳон ахборот глобаллашуви жараёнлари ахборот-коммуникация технологияларини нафақат мамлакатлар иқтисодиёти ва бошқа соҳаларига жорий этиш, балки ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлашни ҳам тақозо этади. Ўзбекистон ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги халқаро хавфсизлик тизимига Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб қўшилди.

“Электрон ҳукумат” тизимининг муҳим белгиси – офлайн хизматлар ўрнига онлайн хизматларнинг жорий қилиниши. Маълум бир ҳужжат учун яна бошқа ўнлаб идорадан ҳужжат тўплашга чек қўйилишидир. Давлат идораларининг маълумотлар базаси ва ахборот тизимларини интеграция қилиш, уларни ўзаро боғлаш орқали, айниқса, бизнес жараёнларини қайта инженеринг қилиш орқали қисқартириш керак. Одамларга онлайн тарзда ариза топшириш ва хизматларни олиш, маълумотлар, ариза топшириш ва ҳоказо хизматлардан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратиш ахборотлашган жамият омилларидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори билан «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тўғрисида низом» [12] ва «Базавий интерактив давлат хизматлари реестри» тасдиқланган. Ушбу Низом давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматларни кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилайди. Ушбу Низомга мувофиқ вазирлик зиммасига Базавий интерактив давлат хизматлари реестрини юритиш, шунингдек заруратга кўра вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига Базавий интерактив давлат хизматлари реестрига ўзгаришлар киритиш бўйича умумлаштирилган таклиф киритиш вазифаси юклатилган. Бугунги кунда Базавий интерактив давлат хизматлари реестри 197 турдаги хизматлардан ташкил топган. Давлат органлари томонидан веб-сайтлар орқали 617 та интерактив хизмат турлари кўрсатилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” [14] ги қарорига мувофиқ, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли баҳолаш тизими таркиби тасдиқланган. АКТ жорий қилиниши ва ривожлантиришнинг рейтингли баҳолаш тизими давлат органи расмий веб-сайти, кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари, идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек давлат органида ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан муайян талабларни қўяди. Хусусан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтнинг мавжуд қонунчилик асосида ташкил қилиниши, шунингдек Ягона портал орқали кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари мурожаатларига муносабат ҳам баҳолаш рейтингида муҳим аҳамият касб этади.

Баҳолаш рейтингига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати, интерактив давлат хизматларининг алоҳида бўлими ҳам шакллантирилиши лозим. Муайян давлат органлари (хокимлик, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқалар) расмий веб-сайтига жойлаштирилиши лозим бўлган қўшимча функциялар киритилди. Ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини, шунингдек NIS.UZ миллий ахборот тизимига тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини мунтазам ўрганишни амалга ошириш мақсадида 2014 йил 23 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 102-сон қарори имзоланган. Қарорга мувофиқ, “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”[15] низом ҳам тасдиқланган. Унга кўра, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини, шунингдек NIS.UZ тизимига тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини ўрганишга масъул ҳисобланади.

Дунё миқёсида жадал суръатларда ривожланиб бораётган ахборот технологияларининг муҳим ўрни, иштирокини бугун юртимизда эришилаётган ютуқларда, юксалиб бораётган ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кўришимиз мумкин. Айтиш мумкинки, ҳар бир юртдошимиз бевосита ёки билвосита ахборот-алоқа технологияларининг фаол фойдаланувчиси ҳисобланади. Йилдан йилга электрон ресурсларнинг ахборот фойдаланувчиларининг асосий манбасига айланаётгани, интернет ресурслари ва фойдаланувчилари сони ошиб бораётгани олдимизга аҳоли манфаатлари, ёшларимиз таълим-тарбияси, интеллектуал салоҳиятининг юксалишида хизмат қиладиган, юртимизда ҳар соҳада эришилаётган ютуқларни тезкор намойиш этадиган веб-ресурсларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш вазифасини қўймоқда. Юқори даражали «.UZ» домени 1995 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги[15] ПФ-3080-сон фармонида мувофиқ,

2003 йил март ойида ICANN Халқаро ташкилоти билан имзоланган келишув асосида Миллий доменни бошқариш ҳуқуқи «.UZ» миллий доменининг маъмури ҳисобланган, UZINFOCOM марказига берилди. Хизматлар сифатини ошириш ва доменларни рўйхатга олиш соҳасида ҳалол рақобатни ривожлантириш учун Марказ томонидан рўйхатга олувчилар ва маъмурларнинг вазифалари тақсимлаб берилди. Шу тарзда, ҳозир Ўзбекистонда 13 та расмий рўйхатга олувчи субъектлар – компаниялар, шунингдек вилоятлардаги 7 та Компьютерлаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда қуйидаги сервислар мавжуд[7]:

- доменларнинг йўқолиш ҳолларининг олдини олиш учун фойдаланувчиларга СМС ва электрон билдиришномаларни тарқатиш;

- whois хизмати;

- домен номларининг эгалари учун «Шахсий кабинет», бу ўз доменларини ва билдиришномаларнинг созланишини бошқариш учун мўлжалланган;

- desk.uz лойиҳаси билан биргаликда сервис – «.UZ доменлари муддатини назорат қилиш».

Яқиндан буён рўйхатга олувчиларга «.UZ» домени маъмурларининг иштирокисиз доменларни – янги доменни рўйхатдан ўтказиш имкониятини берувчи доменлар трансферини мустақил узатиш, доменни рўйхатга олишни тугатиш санасини рўйхатга олишнинг тўланган даври доирасида ўзгартириш ва домен номларини рўйхатга олиш ва уларни 1 йилдан 5 йилгача узайтириш имкони тақдим этилди. www.cctld.uz сайтида «.UZ» домен зонасини турли йўналишларда ривожлантириш ҳолати тўғрисида ахборотни кўриб чиқиш имконини берувчи батафсил статистика мавжуд. Қуйидаги йўналишлар бўйича веб-сайтлар мавжуд: Hi-Tech, маданият, илм-фан, кўнгилочар тадбирлар, спорт, бизнес, давлат бошқаруви органлари ва бошқалар. Миллий доменни ривожлантириш мақсадида 2001 йилдан ўтказиб келинаётган Миллий интернет фестивали фан ва таълим, тиббиёт, сайёҳлик, давлат бошқаруви, интернет ёрдамида хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатаётган, оилавий мавзуларда ижод қилаётган, энг муҳими, “.UZ” Миллий доменимиз мазмун-моҳиятига, ривожига ҳисса қўшаётган веб-сайтлар, саҳифаларга берилган юксак эътирофдир.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мувофиқ ҳудудларда рақамли трансформация ҳолатини баҳолаш мақсадида тадқиқотларимиз натижасида ҳудудларни рақамли ривожлантириш даражасини рейтингли баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди ва бу билан ҳудудларда рақамлаштириш ҳолатини диагностика қилиш имкони яратилди. Рейтингли баҳолаш методикасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан дунё давлатларида ахборот технологиялари ривожланиш ва электрон ҳукуматни жорий этишни баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар қабул қилинди. Рейтингли баҳолаш тартиби 4 та устивор йўналишлардан иборат:

1. “Рақамли инфратузилма” (35 балл) – аҳоли пунктларининг Интернет, мобил алоқа, “Wi-Fi” нуқталари ва бошқалар билан қамраб олинганлиги баҳоланади.

2. “Рақамли иқтисодиёт” (25 балл) – электрон ҳисоб-фактурадан ва онлайн назорат-касса машиналаридан самарали фойдаланиш, маҳаллий IT-хизматлар бозори ҳолати, электр ва табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ва бошқалар баҳоланади.

3. “Ижтимоий соҳани рақамлаштириш” (20 балл) – ижтимоий муассасалар (болалар боғчаси, мактаблар, поликлиникалар) да Интернетдан фойдаланиш ҳолатини, таълим ва бошқа тизим ҳамда дастурий маҳсулотларни жорий этиш ҳолатини баҳолаш.

4. “Рақамли таълим” (20 балл) – мактабларни йўналиш бўйича дипломга эга информатика ўқитувчилари билан ҳамда ўқувчиларнинг “Бир миллион дастурчи” дастури бўйича қамраб олинганлиги, аҳолининг ИТ -секторида бандлиги, ИТ -ўқув марказларининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўқувчиларнинг якуний баҳоси “яшил” - яхши баҳо (71 дан 100 баллгача), “сарик” - қониқарли баҳо (55 дан 71 баллгача) ва “қизил” – қониқарсиз баҳолаш натижаси билан (55 баллдан паст) баҳоланди. 2021 йил якунлари бўйича республикамизнинг 203 та туман (шаҳар) ларини баҳолаш амалга оширилди ва унинг натижалари аниқланди. Рақамлаштириш ҳолатини яхши баҳо олган (“яшил” рўйхат) республиканинг 28 та, яъни 14 % туман ва шаҳарлари жой олди, улардан энг яхши ўнталikka кирганлари: Навоий, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Андижон ва Фарғона шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳрининг Олмазор, Юнусобод, Яккасарой ва Яшнобод туманларидир. Рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижаларига кўра “яшил” рўйхатнинг энг яхши ўнталигига кирган шаҳар ва туманлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижаларига кўра “яшил” рўйхатнинг энг яхши ўнталигига кирган шаҳар ва туман[10]**

№	Шаҳар ва туман номи	Рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳоси 100 (балл)	Телекоммуникация инфратузилмаси 35 (балл)	Рақамли иқтисодийёт 25 (балл)	Рақамли ижтимоий технологиялар 20 (балл)	Рақамли таълим 20 (балл)
1.	Навоий шаҳри	89,3	29,7	23,2	19,1	17,4
2.	Жиззах шаҳри	88,5	31,9	21,0	17,9	17,6
3.	Наманган шаҳри	85,8	31,7	20,2	16,0	17,9
4.	Олмазор тумани	84,5	33,1	19,1	19,8	12,6
5.	Юнусобод тумани	83,3	29,8	18,7	19,6	15,3
6.	Яккасарой тумани	82,9	30,7	20,0	19,7	12,5
7.	Самарқанд шаҳри	81,4	26,0	19,1	16,3	20,0
8.	Андижон шаҳри	81,3	25,7	19,3	16,2	20,0
9.	Фарғона шаҳри	81,1	34,7	19,5	14,3	12,5
10.	Яшнобод тумани	81,0	32,4	18,6	19,0	12,1

Рақамлаштириш ҳолати қониқарли баҳо олган (сарик” рўйхат) умумий 59 та, яъни 29 % туман ва шаҳарлар 71 баллдан кам баҳо олди, улар Когон, Норин, Қўшқўпир, Мирзачўл туманлари ва Олмалиқ, Каттақўрғон, Янгиер, Ширин, Зарафшон, Чирчиқ, Хонобод ва Қўқон шаҳарларидир. Шу билан бирга “сарик” рўйхатдаги баъзи туман (шаҳар) лар маълум йўналишлар бўйича яхши баҳо олишган, масалан, “Ижтимоий соҳани рақамлаштириш” йўналишида Янгиер, Чирчиқ шаҳарлари ва Мирзаобод, Ховаст туманлари ҳамда “Рақамли инфратузилма” йўналишида Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари ва Норин, Мирзачул, Қоровулбозор туманлари 91 баллдан юқори балл тўплаган. Рақамлаштириш ҳолати қониқарсиз баҳо олган (қизил рўйхат) 116 та, яъни 57 % туман ва шаҳарлар 55 баллдан кам баҳоланган. Энг паст балл тўплаган 14 туман 40 баллдан кам баҳоланган, хусусан, Деҳқонобод, Қўшрабат, Чироқчи, Фориш, Қамаш, Қува, Яккабоғ, Ғузор, Ғаллаорол, Бандихон, Амударё, Музработ, Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари. Шу билан бирга, “қизил” рўйхатдан айрим туман (шаҳар) лар маълум кўрсаткичлар бўйича яхши баҳо олишган, масалан, Булоқбоши, Жалақудуқ, Балиқчи, Урганч, Мархамат туманлари “Рақамли инфратузилма” кўрсаткичида 82 ва ундан ортиқ балл тўплади.

Қорақалпоғистон Республикаси рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Қорақалпоғистон Республикаси рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижалари[10]**

№	Шаҳар ва туман номи	Рақамли ривожланиш даражаси рейтинг баҳоси 100 (балл)	Телекоммуникация инфратузилмаси 35 (балл)	Рақамли иқтисодиёт 25 (балл)	Рақамли ижтимоий технологиялар 20 (балл)	Рақамли таълим 20 (балл)
1.	Нукус шаҳри	77,9	25,7	20,4	15,4	16,4
2.	Нукус тумани	59,0	26,0	12,0	16,1	4,8
3.	Мўйноқ тумани	56,1	21,2	8,0	16,8	10,1
4.	Қонликўл тумани	56,1	20,2	9,1	15,9	10,9
5.	Хўжайли тумани	53,8	16,3	16,3	12,7	8,4
6.	Кегейли тумани	51,7	16,7	11,9	14,7	8,3
7.	Тахياتош тумани	51,2	22,6	10,2	14,4	4,0
8.	Беруний тумани	50,9	18,2	14,2	6,9	11,6
9.	Қўнғирот тумани	49,5	15,7	15,1	11,6	7,1
10.	Шўманай тумани	47,5	13,9	10,8	16,1	6,6
11.	Бозатов тумани	46,6	16,7	8,2	17,1	4,5
12.	Чимбой тумани	46,4	17,6	14,0	10,2	4,6
13.	Элликқалъа тумани	45,6	16,9	13,6	8,6	6,6
14.	Тахтақўпир тумани	44,6	15,0	9,3	16,1	4,2
15.	Қораўзак тумани	42,4	11,5	10,3	12,5	8,0
16.	Тўрткўл тумани	41,1	14,8	11,0	8,6	6,7
17.	Амударё тумани	39,0	14,1	11,4	6,9	6,6

**3-жадвал**

**Жиззах вилояти рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижалари[10]**

№	Шаҳар ва туман номи	Рақамли ривожланиш даражаси рейтинг баҳоси 100 (балл)	Телекоммуникация инфратузилмаси 35 (балл)	Рақамли иқтисодиёт 25 (балл)	Рақамли ижтимоий технологиялар 20 (балл)	Рақамли таълим 20 (балл)
1.	Жиззах шаҳри	88,5	31,9	21,0	17,9	17,6
2.	Зарбдор тумани	73,3	32,7	13,1	14,9	12,5
3.	Мирзачўл тумани	64,5	34,2	12,4	13,0	5,0
4.	Дўстлик тумани	59,7	31,4	10,1	12,1	6,1
5.	Янгиобод тумани	58,1	26,1	11,3	11,7	9,1
6.	Пахтакор тумани	55,3	19,2	15,8	12,5	7,9
7.	Бахмал тумани	52,0	23,5	11,8	9,1	7,6
8.	Арнасой тумани	51,7	24,7	9,5	9,2	8,4
9.	Зомин тумани	50,9	25,1	9,1	5,3	11,4
10.	Зафаробод тумани	49,7	26,8	6,6	11,1	5,2
11.	Ш.Рашидов тумани	49,2	22,3	10,7	7,4	8,8
12.	Ғаллаорол тумани	37,9	16,7	7,9	8,0	5,3
13.	Фориш тумани	35,4	7,3	13,9	9,1	5,1

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида республикамиз ҳудудлари рақамли ривожланиш ҳолатини алоҳида кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилишда қуйидаги натижалар қайд этилди.

“Рақамли инфратузилма” йўналишини баҳолаш бўйича 86 та, 42 % туман (шаҳар) лар “яшил” рўйхатдан жой олиб 71 баллдан зиёд баҳони қўлга киритди, улардан

биринчи ўнталиги Хива, Фарғона, Зарафшон, Бекобод, Мирзачўл, Учтепа, Олмазор, Зарбдор, Норин ва Шайхонтохур туманларидир.

Шу билан бирга 73 та, 36 % туман (шаҳар) лар “сариқ” рўйхатга, 44 та, 22 % туман (шаҳар) лар эса “қизил” рўйхатга киритилди (Фориш, Деҳқонобод, Қўшрабат, Қораўзак, Яккабоғ, Чирчиқ, Қамаш, Қўштепа, Шуманай, Амударё ва бошқа туманлар).

“Рақамли иқтисодиёт” йўналишини баҳолаш бўйича 22 та, 11 % туман (шаҳар) лар 71 баллдан ортиқ баллни қўлга киритиб “яшил” рўйхатга киритилди, улардан етакчи ўнталикка Навоий, Термиз, Жиззах, Нукус, Наманган, Гулистон шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Яккасарой, Учтепа туманлари ҳамда Ёждувон туманидир. Шу билан бирга 26 та, 13 % туман (шаҳар) лар “сариқ” рўйхатга кирди ва 155 та, 76 % туман (шаҳар) лар “қизил” рўйхатга кирди (Чиноз, Паркент, Оққўрғон, Янгийўл, Избоскан, Улуғнор, Учқудуқ, Бука, Оқдарё, Зафаробод, Булунғур, Қўйичирчиқ ва бошқа туманлар).

Навоий вилоятининг рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижалари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал**

**Навоий вилояти рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижалари[10]**

№	Шаҳар ва туман номи	Рақамли ривожланиш даражаси рейтинг баҳоси 100 (балл)	Телекоммуникация инфратузилмаси 35 (балл)	Рақамли иқтисодиёт 25 (балл)	Рақамли ижтимоий технологиялар 20 (балл)	Рақамли таълим 20 (балл)
1.	Навоий шаҳри	89,3	29,7	23,2	19,1	17,4
2.	Зарафшон шаҳри	68,1	34,1	10,2	15,5	8,3
3.	Кармана тумани	64,0	26,8	16,9	8,4	11,9
4.	Навбаҳор тумани	61,2	29,7	9,5	15,8	6,3
5.	Қизилтепа тумани	59,8	26,1	10,7	12,3	10,7
6.	Хатирчи тумани	58,3	23,4	14,6	12,5	7,7
7.	Учқудуқ тумани	53,1	22,0	6,3	13,1	11,7
8.	Нурота тумани	48,8	20,2	10,7	9,7	8,2
9.	Конимех тумани	47,7	23,9	11,0	7,7	5,2
10.	Томди тумани	41,4	19,3	6,9	10,6	4,6

“Ижтимоий соҳани рақамлаштириш” йўналишини баҳолаш бўйича 61 та, 30 % туман (шаҳар) лар 71 баллдан кўп тўплаган ҳолда “яшил” рўйхатга кирди, шулардан етакчи ўнталикка Хива ва Қарши шаҳарлари ҳамда Тошкентнинг Шайхонтохур, Сергели, Олмазор, Учтепа, Бектемир, Яккасарой, Чилонзор, Юнусобод туманлари. Шу билан бирга, 43 та 21 % туман (шаҳар) лар “сариқ” рўйхатга ва 99 та, 49 % туманлар “қизил” рўйхатга киритилди (Риштон, Ургут, Бувайда, Данғара, Тошлоқ, Зомин, Қува, Учқўприк, Чироқчи, Шаҳрихон, Бандихон, Амударё ва бошқа туманлар).

“Рақамли таълим” йўналишини баҳолаш бўйича фақатгина 13 та, 6 % туман (шаҳар) лар 71 баллдан юқори кўрсаткич билан “яшил” рўйхатга киритилди, уларнинг ўнталик қаторига Самарқанд, Андижон, Урганч, Наманган, Жиззах, Навоий, Нукус, Бухоро, Қарши шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани. Шу билан бирга, 23 та, 12 % туман (шаҳар) лар “сариқ” рўйхатга, 167 та, 82 % туман “қизил” рўйхатдан жой олди (Чироқчи, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ, Миришкор, Тахиатош, Тахтақўпир, Фарғона, Шофиркон, Каттақўрғон, Томди, Пахтаобод, Гулистон ва бошқа туманлар).

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, республикамизнинг барча ҳудудларида рақамли технологиялардан фойдаланиш, рақамли технологиялар билан таъминланганлик даражаси, аҳолининг рақамли воситалардан тўлиқ фойдаланиши бўйича кўникмаларини шакллантириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Reddy S and Reinartz W 2017 Digital transformation and value creation: Sea change ahead Value in the Digital Era (9(1)) pp 11-17
2. Samara, E., Andronikidis, A., Komninos, N. et al. The Role of Digital Technologies for Regional Development: a System Dynamics Analysis. J Knowl Econ (2022). <https://doi.org/10.1007/s13132-022-00951-w>
3. S.Piyankova, M.Troyanskaya “DIGITAL DEVELOPMENT AND ITS IMPACT ON REGIONS’ COMPETITIVENESS” 2021 y. <https://doi.org/10.1142/S219456592150010X>
4. A.A. Kurilova, D Antipov “Methodological approaches to assessing the level of digitalization of countries and regions” 2021 y. <http://dx.doi.org/10.1088/1757-899X/986/1/012021>
5. А.Ж. Сиддиков “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга доир ёндашувлар” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрел, 2021 йил 332 б.
6. О.С. Умаров “Рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланиш тенденциялари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил 4 бет.
7. Муаллифнинг илмий изланишлари натижасида шакллантирилди
8. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
9. <https://yuz.uz/news/toshkent-shahridagi-112-navbatchilikxizmati-doirasida-faoliyati-tashkil-etiladi>
10. Таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
11. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги Қонуни.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сонли «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тўғрисида» низом
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 102-сон қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги ПФ-3080-сон фармониغا
16. [www.mitc.uz](http://www.mitc.uz) сайти маълумотлари
17. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) сайти маълумотлари